

шакллантирувчи шароитларни спорт ва соғломлаштириш туризмини ташкил этишга қаратилган муаммолар ўрганиб келинмоқда.

РЕЗЮМЕ

Изучаются проблемы создания спортивных и фитнес-туризмов в ведущих образовательных учреждениях мира, в основном в общеобразовательных школах, профессиональных учебных заведениях и туристических центрах, создавая образовательную среду, направленную на сохранение и укрепление здоровья учащихся и населения в процессе физического воспитания.

SUMMARY

The problem of creating sports and fitness routines in leading educational institutions of the world, mainly in secondary schools, vocational schools and tourist centers, creating an educational environment aimed at preserving and strengthening the health of students and the population in the process of physical education.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

А.У.Тажиева – педагогика фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини
Н.А.Бекмуратова – ассистент ўқитувчи
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: касбга йўналтириб ўқитиш, давлат таълим стандарти, фан дастури, коммуникатив компетенция, тил компетенцияси, мустақил мулоқат даражаси

Ключевые слова: профессионально-ориентированное обучение, государственный образовательный стандарт, типовая программа, коммуникативная компетенция, языковая компетенция, самостоятельное владение

Key words: content-based teaching, state educational standard, syllabus, communicative competence, language competence, independent user

Бугунги кунда Ўзбекистонда мутахассисларни таёрлашда уларнинг билим, малака ва кўникмаларининг замон талабларига мос келишига катта эътибор қаратилмоқта. Замон талабларининг бири бўлажак мутахассисларимизнинг халқаро бирга ишлашиш жараёнига қира олиши, мутахассислиги бўйича халқаро ташкилотларда эркин мулоқатлар қила олиши бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун, албатта чет тилини билиш зарурлиги келиб чиқади. Чет тили дарсларида мутахассисликка (касбга) йўналтириб ўқитиш тамойили бугунги куннинг энг долзарб йўналишларидан бири, чунки чет тилида мулоқат қилиш ҳар бир мутахассиснинг касбий фаолиятининг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Касбга йўналтириб ўқитишнинг афзалликларини Патси М.Лайтбаун шундай таърифлайди:

Биринчидан, касбга йўналтириб ўқитиш самарали, чунки талабалар тарихни, математика ёки бошқа мутахассислик матнларни ўрганаётган чет тилида бир вақтнинг узида урганади, яъни «иккаласи бирида» тамойили талабаларнинг вақтини тежашга ёрдам беради.

Иккинчидан, касбга йўналтириб ўқитиш талабаларнинг уқишга деган мотивациясини уйғотишади, чунки янги тилни ўрганаётганда мутахассисликка оид таниш ва маъноли матнларни уқиш, маъноли мулоқатка тушиш, чет тилини ўрганаётганда учрайдиган кийинчиликларни енгиласанга ёрдам беради.

Учунчидан, касбга йўналтириб ўқитиш талабаларни юқори моҳирликка етказиши, чунки мутахассислик мавзуларни ўрганиш жараёнида уларнинг академик сузлар ва иборалар қўллаши ортади, академик стил, дискурсларни таниб уларни қўллашни бошлайди. Бу жараён натижасида талабалар бўлғуси касбда учрайдиган тил воситаларини дарсдан ташқари вақтда ҳам қўлланишга тажриба орттиради, устаси-фаранг булади [4:10].

Олий таълим муассасаларида чет тили фани дарсларининг самарадорлигини ўрганиш жараёнида биз ушбу фан учун яратилган дастурларни таҳлил қилишдан бошладик. Биз ўрганиб чиққан биринчи дастур бу 2013 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган “Ўзлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти” эди [1]. Ушбу давлат таълим стандарти ўқувчилар ва талабаларнинг чет тиллар бўйича тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган даражани белгилаб беради. Юқорида қайд қилинган стандарт бўйича олий таълим муассасаларининг

ихтисослиги чет тили бўлмаган бакалаврият босқичи битирувчиларининг инглиз тилини билиш даражаси Умевропа тил билиш даражаси (Common European Framework of References) бўйича CEFR B2 Чет тилини эгаллашнинг мустақил мулоқот даражаси деб белгиланган [3:23]. Давлат таълим стандарти чет тилини ўрганишда коммуникатив фаолият ва шахсга йўналтирилган, интегратив ва компетенцияли ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган. Коммуникатив фаолиятга йўналтирилган ёндашув таълимнинг ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив хусусиятларига эга бўлиб, ўқиш жараёнида билиш фаоллигини оширишга қўмаклашади. Ушбу ёндашув таълим олувчиларда мустақил фикрлаш ва фаолият юритиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Чет тили таълимида интегратив ёндашув таълим олувчининг турли фаолият доираларидан (шахсий, интеллектуал ва касбий) олинган материаллардан таълим жараёнида тенг (пропорционал) фойдаланишга қаратилган. Тил ва нутқ материалларининг тенг нисбатда бўлиши, нутқ фаолиятининг 4 та тури бўйича нутқий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар даражасини уйғун ва ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантиришни кўзда тутди.

Давлат Таълим стандартида чет тилларни олий таълимда ўқитиш коммуникатив, шахсга йўналтирилганлик, интегратив ва компетенцияли ёндашувларидан фойдаланишда “Касбга йўналтирилган чет тиллар” йўналишининг асосий тамойилларига (ўқитишнинг муайян босқичларидаги касбий йўналтирилган талабларини ҳисобга олган ҳолда) асосланади деб кўрсатилган [1:3].

Шунингдек, Давлат таълим стандартида чет тилини касбга йўналтириб ўқитишга катта эътибор қаратилган. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда бўлажак мутахассисларнинг чет тилини мукамал даражада билиш кераклигини таъкидлаб қўлади.

Ўзбекистон Республикасининг барча таълим турларида чет тилини ўқитишдан мақсад таълим олувчиларнинг кўп маданиятли дунёда маиший, илмий ва касбий соҳаларда фаолият юритиши учун чет тилида коммуникатив компетенцияни (унинг таркибий қисмлари ҳисобланувчи лингвистик, ижтимоий лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий маданий, ижтимоий ва ўқув-англаш компетенциялари асосида) шакллантиришдан иборатлиги кўрсатилган [1:4].

Давлат таълим стандартининг яна бир эътиборга сазовар тамони унда чет тили бўйича B2 даража учун таълим мазмуни аниқлаштирилган. Унга кўра фаолиятнинг нутқий мазмунида Махсус мақсадлар учун тил,

Касбга йўналтирилган мавзу (мутахассислик тарихи, мутахассислик йўналиши, касбдаги машхур кишилар ва х.к.) таълим мазмунини ташкил этади [1:21].

Тил компетенциясини шакллантириш мақсадида касбий йўналтирилган коммуникатив вазиятларда касбий йўналтирилган дискурслар ва коммуникатив лексикасининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишни, ихтисослик тилига оид нутқий грамматиканинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни ўз ичига олади. Ўрганувчиларнинг ижтимоий лингвистик компетенцияни шакллантириш учун тил шакллари танлаш, улардан касбий матнга мувофиқ тарзда фойдаланиш ва ўзгартиришга аҳамият беришга ўрғу берилган. Ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантиришда касбий сўзларни ўрганиш ва уларни ихтисосликка оид аутентик матнларда тушуниш (жумладан, маълумотномалардан фойдаланган ҳолда); тили ўрганилаётган мамлакат касбий фаолиятининг буюмлари ва объектини англатувчи сўзларни; тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган мулоқот меъёрларига мувофиқ тарзда нутқий ва этикет қолибларни тушуниш ва нутқий вазиятлар ярата олишни тавсия этади [1:21]. Ижтимоий компетенция бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёрлиги ва хоҳиш-истагини, ўзига ишончини, шунингдек, ўзини бошқаларнинг ўрнига қўя билишни ва ҳаётий, касбий ва илмий жиҳатдаги қутилмаган вазиятлардан чиқиб кета олишни шакллантиришга қаратилган.

“Ўзлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти” мукамал яратилган дастур бўлиб ҳисобланади ва стандартлари ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ҳужжат бизнинг тадқиқот мавзумизнинг мамлакатимизда қанчалик долзарб эканлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Давлат таълим стандарти таҳлили шуни кўрсатадики В2 даражага эга бўлувчи чет тили ўрганувчисига қўйилган талабларнинг бири унинг асосан касбга йўналтирилган чет тилини мукамал даражада эгаллаши. Бу талаб 2013 йили қўйилган бўлса ҳам, тадқиқотлар шуни кўрсатадики мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида Давлат талим стандартида белгилаб берган касбга йўналтирилиб ўқитиш мукамал даражада бажарилмаяпти.

Олий таълим муассасаларида инглиз тили фанидан мутахассисликка оид материаллардан фойдаланиш ҳолатини аниқлаш мақсадида бизнинг эътибор қаратган яна бир ҳужжатимиз бу “Чет тили” фани бўйича барча бакалаврият талим йўналиши талабалари учун яратилган намунавий фан дастури эди. Фан дастури чет тили кафедралари томонидан ишчи дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилишига асос бўлади. Ишчи дастурлар асосида педагог ходимлар ўзларининг календар режаларини ишлаб чиқади.

Биз таҳлил қилган фан дастури 2018 йил 14 июнда Олий ва Ўрта махсус талим вазирлиги тамонидан тасдиқланган. Муаллифлари Г.Х.Бакиева, Б.Р.Саматова, М.М.Турсунов ва бошқалар. Хорижий тил фан дастури мазмун-моҳиятига кўра умумий илмий (академик) тил кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган, талабаларнинг бўлғуси касбий фаолиятларида фойдаланадиган тил компетенцияларини ривожлантиришга мослаштирилган. Ушбу дастур “Хорижий тил” фанини ўқитиш даврида талабаларнинг умумий, академик ва касбга йўналтирилган тил кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган. Хорижий тилини ўрганишнинг мустақил мулоқот (В2) даражаси талабаларда кўпроқ академик ва касбга йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантиришни такозо қилади. Шу боис, бу дастурда хорижий тилини ўргатишдан асосий мақсад – бўлғуси

мутахассисларда кундалик ҳаётлари, илмий ва касбий фаолиятларида чет тили ёки бир неча тиллардан эркин фойдаланувчи мутахассисларни тайёрлаш деб белгилаб берган. Ушбу мақсадга эришиш учун хорижий тил фанининг олдига қуйидаги вазифаларни қўяди. Жумладан, талабаларнинг нутқий (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, гапириш), тил (лексик, грамматик), ижтимоий-маданий ва прагматик компетенцияларини ривожлантириш; илмий, касбий ва маиший фаолиятга боғлиқ мавзулар юзасидан оғзаки ва ёзма равишда баён этиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш; илмий ва касбий фаолиятда қўлланиладиган термин ва атамаларни ўргатиш; талабаларнинг илмий ва соҳавий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишларини ташкил этиш [2:3].

Ушбу дастурнинг яна бир яхши тамони шундан иборатки, унда фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйида келтирилган талаблар қўйилади ва ушбу талаблар асосида лингвистик, тил, социолингвистик, прагматик компетенцияларни эгаллаш кўзда тутилган. Бу компетенцияларни ривожлантириш борасида касбий фаолиятга қанчалик эътибор қаратилган батафсил тўхтаб ўтсак.

Лингвистик компетенцияни ривожлантириш борасида маъруза, нутқ, баёнат, тафсилотли йўриқномалар, илмий ва ихтисослик тақдимотлар, сўров ва фикрларнинг моҳиятини тушуна олишни; ўз соҳаларига оид интервьюда иштирок эта олиш; ўз ҳамкорлари билан музокара юритиш; ўз соҳаси бўйича маълумотларни аниқ ва батафсил баён этиш; ўз соҳалари ва қизиқишларига мос ёзишмаларни ўқиш, касбий соҳаларига оид мақола ва маърузалардан тегишли маълумотни ажрата олиш; ўз соҳалари бўйича битирув малакавий ишлар ёза олишга ўргатиш талаблари қўйилган [2:4].

Тил компетенциясини ривожлантириш чоғида ўтилган грамматик материал (фёъл замонлари, модал фёъллар, сифат ва равишларнинг қиёсий даражалари, детерминатив сўзлар, предлоглар ва ҳоказо)ни кундалик, илмий ва соҳавий контекстларда тўғри қўллай олиш назарда тутилган. Прагматик компетенцияни ривожлантиришда турли ижтимоий, таълим ва мутахассислик доираларида мос равишда тилни тегишли расмий шаклда қўллашни англашга ўргатиш мақсад қилиб қўйилган [2:5].

Дастурнинг асосий қисмида нутқий мавзулар руйхати берилган ва ҳар бир нутқий мавзуда касбий фаолиятга доир мавзуларга эътибор қаратилган. Жумладан, ижтимоий мавзуларда атроф-муҳит, маиший масалалар, глобал муаммолар билан бир қаторда шахс ва касб психологияси мавзусини ўрганиш кўрсатилган. Ижтимоий-маданий мавзуларда дунё ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маданий, ижтимоий хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда илмий ва соҳага оид вазиятларда маданий тафовутларни ҳам ўрганади. Ва бу дастурда энг эътироф этиб кўрсатадиган нарсаси бу мутахассислик соҳасига оид мавзуларга алоҳида эътибор қаратилганлиги. Мана шу бўлимда талабалар соҳа йўналишлари, долзарб мавзулари, масъулият, ҳужжатлар юритиш, касбий этика, музокаралар олиб бориш, мутахассислик соҳасидаги илмий ва амалий ютуқлар, инновацион ғоялар ва янгиликлар билан танилишига, улар билан амалий ишлашга имкониятлари бор [2:6].

Кўриб турганимиздек, В2 даражага эришиш талабаларда илмий ва соҳавий фаолиятда юзага келадиган тил билан боғлиқ вазиятларда эркин мулоқотга киришишларини ва вазиятни самарали ҳал қилишларини таъминлайди. Бунга эришиш учун фан дастури талабаларнинг керакли билим ва кўникмаларини мустақил ташкил этишни тавсия этади.

Чет тили фанидан мустақил ишларнинг максади – амалий машғулотлар давомида олинган билим ва кўникмаларни янада мустахкамлаш ва такомиллаштиришдан иборат. Дарс машғулотларида кўтарилган мавзуларни ўз мутахассислик соҳаларига боғланган ҳолда лойиҳа ишларини амалга оширишлари, портфолио ва такдимотлар (слайд, ҳисобот, муаммоли вазият ва ҳ.к. кўринишида) тайёрлашлари кўзда тутилади. Мустақил ишларнинг мавзулари амалий машғулотларда ёритилган мавзуларга мос ҳолда бўлиши лозим. Мавзулар талабаларнинг соҳаларига боғланган ҳолда кенгрок ёритилиши ва ёзма ёки оғзаки такдимот сифатида ўқитувчиларга такдим этилиши лозим [2:8].

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 124 сон қарори билан тасдиқланган “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти” 2013 йил 8 май.
2. Бакиева Г.Х., Саматова Б.Р., Турсунов М.М. ва бошқалар. “Чет тили” фани бўйича барча бакалаврият таълим йуналиши талаблари учун фан дастури. Т. 2018 йил 14 июнь.
3. Common European Framework of References. Cambridge University Press. ISBN: HB 0521803136-PB 0521005310. www.uk.cambridge.org/elt
4. Patsy M.Lightbown. Focus on Content-Based Language Teaching, Oxford: Oxford University Press, 2014, p. 10

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида чет тилларини касбга йўналтириб ўқитишга қаратилган талаблар ва уларнинг бажарилиш ҳолати ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются требования к профессионально-ориентированному обучению иностранных языков в системе высшего образования республики Узбекистан и их выполнения на местах.

SUMMARY

The article deals with the issues of content-based teaching at the lessons of foreign languages at the Higher Education system of Uzbekistan.

TEXNOLOGIYA SABAQLARINDA KLASSTAN TIS JUMISLARDI SHOLKEMLESTIRIW HAM OTKERIWDIN AYIRIM MASELELERI

N.Tańbaev – magistrant

Ajiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedadogikalıq instituti

Tayanch soʻzlar: sinfdan tashqari ishlar, toʻgarak, ekskursiya, birga ishlashish, pozitiv munosabatlar, kompetentlik, kreativlik.

Ключевые слова: внеурочные работы, кружок, экскурсия, совместная работа, позитивные отношения, компотентность, креативность.

Key words: extracurricular activities, clubs, excursions, collaboration, positive relationships, competence, creativity.

Oqitwshı ushın bilw iskerliginiń motivaciyasın qalay arttırw, óz pánine qızıǵıwshılıqtı oyatıw, oqıwshılardıń tálim maydanın qanday keńeyttiriw máselesi bárqulla aktual esaplanıp keling. Oqitwshınıń óz páninen sabaqtan tısqarı jumısı mektepte kerekli oqıw hám tárbiyalıq jumısları esaplanadı.

Bunday jumıslar oqıwshılardıń pikirlewı, bilw hám rawajlanıw iskerligin belsendiligin arttıradı. Bunda oqıwshılar bilimi tereńlestirilip, kózqarasın keńeytiriwge xızmet etedi hám oqıwshılardıń óz pánine bolǵan qızıǵıwshılıǵın arttırıwda úlken tárbiyalıq áhmiyetke iye.

Texnologiya pání boyınsha klasstan tis jumıslar úlken ulıwma tárbiyalıq, rawajlandırıwshı áhmiyetke iye. Bunday jumıslar tek ǵana texnika tarawındaǵı psixomotor hám funktsional bilimlerin keńeytirip hám tereńlestirip qoymas-tan, al mektep oqıwshılarınıń mádeniy kózqarasın, sawatlılıǵın keńeytiriwge, dóretiwshilik iskerligin, ruwxıy hám ádeplilik sanasın, estetikalıq sezimin qalıplestiriwge xızmet etedi hám nátiyjede basqa mámlekettiń úrip-ádetleri hám mádeniyatın úyreniw hám sol bilimler tiykarında óz mámlekettiń mádeniyatın jáne de tereńirek úyreniw ushın motivaciya wazıypasın atqaradı.

Zamanagóy tálim texnologiyası tiykarında pedagogika oqıw pánleri boyınsha klasstan tis jumıslardı shólkemlestiriw boyınsha bay tájriybege iye boldı. Búgingi künge kelip klasstan tis jumıslar pánler aralıq integraciylanıp, STEM tálimin payda etti.

Úzlıksız kásiplik bilimlendiriw sistemasında texnologiya boyınsha klasstan tis jumıslar qatnaslar jantasıwlar tiykarında onıń mazmunı hám kórinisin talap etpekte.

Kompyuter texnikası menen islew, sabaq barısında internet tarmagınan paydalanıw keń jolǵa qoyıldı.

Klasstan tis jumıslar – bul oqitwshı tárepinen mektep-ten tısqarı waqıtta mektep oqıwshılarınıń hár qıylı iskerlik túrlerin shólkemlestiriw, bala shaxsın sociallastırıw ushın kerekli bolǵan shárayatlardı támiyinlew túri esaplanadı.

Mekteptiń pedagogikalıq procesinde klasstan tis jumıslar balaǵa tárbiyalıq tásir kórsetiw uqıplılıǵına iye: balanıń individual qabiliyetin rawajlandırıwǵa, oqıwshılardıń sanasında qatıp qalǵan stereotiplerdi jeńiwge, ózin-ózi qadırlaw, ózine isenim, ózin sanalı basqarıwǵa járdem beredi.

Sonday-aq, klasstan tis jumıslar olardıń hár qıylı túrlerge ajratıp balanıń jeke tájriybesin, onıń insan iskerliginiń hár qıylılıǵı haqqında bilimin keńeyttiredi, bala kerekli ámeliy kónlikpe hám uqıplılıqlardı iyeleydi.

Klasstan tis jumıslar shınıǵıwlarıń hár qıylılıǵı balalardıń túrli iskerlik túrlerine qızıǵıwshılıqtı, jámiyet tárepinen maqullangan nátiyjeli iskerlikte belsene qatnasıw sezimin rawajlandırıwǵa járdem beredi.

Klasstan tis jumıslardıń túrli kórinislerinde oqıwshılar tek ózleriniń individual ózgesheliklerin kórsetip ǵana qoymastan, al toparda birge islesiw hám klasslaslarına bolǵan ǵamxorlıq, ózin basqa adamnıń ornına qoya alıw menen kónlikpelerin qalıplestiredi.

Klasstan tis jumıslar mekteptegi tárbiyalıq jumıslardıń ajıralmas bólegi esaplanıp, ol tálimniń ulıwma maqsetine oqıwshınıń jámiyet ómiri ushın zárúr bolǵan social tájriybeni ózlestiriwge hám jámiyette qabıl etilgen qadıriyatlar sistemasın qalıplestiriwge qaratıladı.

Klasstan tis jumıslardıń ózine tánligi tómendegi wazıypalarda kórinip boladı: